

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2025 йил июнь ойининг 10 куни жиноят ишлари бўйича Гурлан туман суди 9-сонли болалар ва мусиқа мактаби биносига, сайёр суд мажлисида, шу суднинг раиси Ж.Ахмедовнинг раислигида, судья ёрдамчиси М.Мадаминованинг котибалигида, тарафлардан давлат айбловчиси Гурлан туман прокурорининг ёрдамчиси Ш.Рахимова, жабрланувчи Ш.Машарипов, судланувчи С.Тангировнинг иштирокида, Тангиров Сурож Қўшбоевичга нисбатан бўлган 1-2206-2501/71-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Тангиров Сурож Қўшбоевич (Tangirov Suroj Qo`shboyevich) 1991 йил 29 январь куни Шовот туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, 4 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, ишсиз, Шовот тумани, Янги бўрлоқ маҳалласи, Авесто кўчаси, 35-уйда яшайди, унга нисбатан 2025 йил 24 апрель кунидан “муносиб ҳулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, 2025 йил 28 апрель куни айблов хулосаси нусхасини олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларни кўрсатувларини тинглаб, жиноят ишида тўпланган ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, судланувчининг охириги сўзини тинглаб, мавжуд далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни,

### А Н И Қ Л А Д И

Судланувчи Тангиров Сурож Қўшбоевич 2025 йил 24 март куни соат 11:00 ларда Шовот тумани, Қўшқўпир маҳалласи ҳудудида қайнотаси Машарипов Шавкат Матчановичнинг уйида у билан ўрталарида келиб чиққан ўзаро келишмовчилик сабабли жанжаллашиб, Ш.Машариповнинг юз соҳасига мушти билан урганлиги натижасида оғирлик даражаси бўйича соғлиқнинг қисқа, яъни 6 кундан ортиқ аммо 21 кундан кўп бўлмаган муддатга бузилишига сабаб бўлган “енгил” шикаст етказган.

РСТЕИАМ Хоразм филиали Шовот туман бўлинмасининг 02.04.2025 йилдаги 85-сонли хулосасига кўра, Ш.Машариповда энсаси эзилиб йиртилган лат яра, юзида шиш кўринишидаги юмшоқ тўқима лати, ўнг думбасида қонталашлар мавжудлиги, ушбу жароҳатлар оғирлик даражаси бўйича соғлиқнинг 6 кундан ортиқ, аммо 21 кундан кўп бўлмаган



муддатга бузилиши билан боғлиқ енгил тан жароҳатлар гуруҳига кириши кўрсатилган.

Судланувчи Тангиров Сурож Қўшбоевич суд мажлисида, айбига қисман иқрорлик билдириб, 2025 йил 24 март соат 11:50 ларда қизи “Ойнура” таниши “Ёқуббой” нинг телефонида унга қўнғироқ қилиб “уйингизга олиб кетинг, онамни олдида қолмоқчи эмасман” деб айтганлигини, онаси Юлдашева Болтабика билан қизи Ойнурани олиб кетиш учун собиқ турмуш ўртоғи Садоқатнинг яшаш уйига борганини, у ерга борган пайтида қизи Ойнура уни кўриб югуриб машинасини олдида келиб, шу пайт уйдан собиқ турмуш ўртоғи Садоқат чиқиб, Ойнурани уриб, қўлидан тортиб уйига олиб кириб кетганини, шундан сўнг ўзи ҳам уларнинг ортидан қизини аҳволини кўриш учун уйига кирганини, уйга кирган пайтида собиқ турмуш ўртоғи Садоқат қизини уриб ҳақоратлаб турганлигини кўриб, унинг қўлидан қизини олиб “нимага қизни урасан ўзи бир марта касал қилиб даъволатмадингизлар” деб турган пайтида ичкаридан қайнотаси Ш.Машарапов чиқиб уйига кирганлиги бўйича эътироз билдириб, уни “онасидан” ҳақорат қила бошлаганини, шунда унга қизини аҳволини билиш учун келганлигини, ҳақорат қилмасдан гапиришини айтиб турган пайтида қайнотаси яна уни ҳақоратлаб ёқасидан ёпишиб эгнидаги куртқасини йиртиб ташлаганини, у билан тортишиб кетганлигини, шу ерда бирор кўнгилисиз ходиса содир бўлмасин деб уйдан ташқарига чиқиб бораётган пайтида қайнотаси ҳам ортидан чиқиб уни тепмоқчи бўлиб оёғини кўтарганини, шу пайт қайнотаси орқаси билан бетон қопламали ерга йиқилиб тушганини, шу вақт уларнинг ёнига Ёқуббой ака келиб, қайнотаси Шавкатни кўтариб турғизмоқчи бўлганида оёғида туrolмасдан олд томонга ҳам яъна бир марта йиқилиб тушганини, шу ерда бироз бақир-чақир бўлганлиги сабабли онаси ҳам уларни ёнига келганини, шу пайтда Садоқат ҳам шу ердалигини, у онасини кўриб ушбу жанжални у бошлаганлигини айтиб, турли сўзлар билан ҳақорат қилиб онасининг ёқасидан осила бошлаганини, кейин онасини олиб уйга қайтганини, орадан бироз вақт ўтганидан сўнг қайнотаси Шавкатни туман шифохонасига олиб кетишганликларини эшитиб унинг холидан хабар олиш учун шифохонага борганини, қилган ишидан пушаймонлигини, қонун доирасида енгиллик қилиб беришни сўраб, кўрсатув берди.

Жабрланувчи Машарипов Шавкат Матчанович суд мажлисида, 2025 йил 24 март куни уйда ўтирган пайтида қизи Садоқатнинг уни чақирган овозини эшитиб уйнинг кириш эшиги томонга борганини, қараса куёви Сурож қизи Садоқатнинг сочидан тортган ҳолда набираларини олиб кетмоқчилигини айтиб турганлигини, сўнг қизини унинг қўлидан олганини, ташқарида Сурожнинг онаси Болтабика ҳам турганлигини, шу пайт қўлини Сурожнинг қўлидан тортаётган пайтида у юзига бир мушт уриб юборганини, ушбу зарб натижасида шу ерга боши билан йиқилиб тушганини, сўнг эса ўзини йўқотиб қўйганини, бироздан сўнг ўзига келган пайтида Сурож онаси



Болтабикани олиб у ердан кетиб қолганини, қизи Садоқат ва турмуш ўртоғи Севаралар уни у ердан кўтариб уйга киргизишганини, Сурож уни урган пайтда бурни қонаб бошининг орқа томони ёрилганлигини, шундан сўнг қизи ва турмуш ўртоғи унга биринчи тиббий ёрдам кўрсатишганини, орадан бироз вақт ўтганидан сўнг тез тиббий ёрдам автомашинаси етиб келиб уни туман шифохонасига олиб кетганини, ушбу жанжал пайтида Сурожни уриб уни ҳақорат қилмаганини, уни ташқарига судраб чиқариб, юзига мушт урганини, унга нисбатан қонуний чора кўришни сўраб кўрсатув берди.

Судда гувоҳ сифатида сўроқ қилинган Машарипова Садоқат Шавкатовна ўз кўрсатмасида, 2025 йил 24 март куни соат тахминан 11:00 ларда уйда қизи Ойнура билан бирга ўтирганини, шу пайт Сурож уйга бостириб кириб қизи Ойнурани олиб кетмоқчилигини айтиб, у билан жанжал қила бошлаганини, шу пайтда отасини чақирганини, отаси ичкаридан чиқиб Сурожга тинчланиб олишини, ўзини босиб олишини айтиб турган пайтда у қизи Ойнурани ичкарига киритиб юборганини, шу пайтда Сурож отасини турли хил сўзлар билан ҳақорат қилиб кўлидан ушлаб ташқарига судраётганини, Сурож отасини уйнинг кириш эшиги олдида чиққан пайтда уларнинг ортидан борганини, шу пайт Сурож отасининг юзига мушти билан бир маротаба урганини, зарба натижасида отаси боши билан бетон қопламали ерга йиқилганини, отасининг бурни ҳамда бошидан қон оқиб ётганлигини кўриб, дархол унга ёрдам бериш учун ўридан турғазиб ичкарига киргизганини, сўнг отасига биринчи тиббий ёрдам кўрсатганини, кейин отасини тез тиббий автомашинасида туман шифохонасига олиб кетишганлигини, ушбу жанжал бўлган пайтда ўзи ва отаси Сурожни ҳақорат қилиб унга тан жароҳати етказмаганини билдириб, кўрсатув берди.

Судда гувоҳ сифатида сўроқ қилинган Машарипов Уғилжон Шавкатовна ўз кўрсатмасида, 2025 йил 24 март куни соат тахминан 14:00 ларда отаси Садоқат унга қўнғироқ қилиб, собиқ турмуш ўртоғи Сурож уйга бориб отасини уриб тан жароҳати етказганлигини, шу сабабли туман шифохонасида эканликларини айтганини, шундан сўнг дархол яшаш уйига борганини, уйга борган пайтида кириш эшиги олдида қон доғлар ётганлигини кўриб қўрқиб кетганини, сўнг туман шифохонасига етиб борганини, у ерга борган пайтида отасининг боши ёрилганлигини ҳамда биринчи тиббий ёрдам кўрсатилганлигини билганини, шу ерда Сурож ҳам юрганини, ўзи унга нима сабабдан отасини урганлигини, келишмовчиликни отасининг ўзи билан ўзаро ҳал қилиб олишларини айтган пайтида Сурож унга ҳам “Сизларнинг оилангизга битта мен куёв бўлганман, адашган эканман, сизларни оила нотинч оила” деб ҳар-хил сўзлар айтиб, у ердан кетиб қолганини билдириб, кўрсатув берди.

Судда гувоҳ сифатида сўроқ қилинган Юлдошева Болтабика Жиянбоевна ўз кўрсатмасида, 2025 йил 24 март куни набираси Ойнура ўғли Сурожга қўнғироқ қилиб уни олиб кетишини айтганлиги сабабли ўғли билан бирга уларнинг уйига борганини, у ерга борган пайтида Ойнура уларнинг



ёнига югуриб чиққанини, шу пайт келини Садоқат унинг ортидан келиб кўлидан ушлаб уйга киргизиб кетганини, уларнинг ортидан ўғли Сурож ҳам кизининг аҳволини сўраб чиқиш учун кириб кетганини, ўзи эса автомашинадан тушмасдан ўтирганини, шу пайт уйнинг кириш эшиги олдида бирданига қаттиқ овозни эшитиб автомашинадан тушиб борганини, у ерга борган пайтида қудаси Шавкат уйга кириш эшиги олдида йиқилиб ётганлигини, бошидан қон оқиб турганлигини кўриб, ўғли Сурождан нима бўлганлигини сўраган пайтида, қудаси Шавкат уни тепмоқчи бўлиб шу ерга орқаси билан йиқилганлигини, унга тегмаганлигини айтганини, шу пайт ичкарида келини Садоқат чиқиб, ҳақорат қилиб, ўғли Сурожни ҳам ҳақорат қилганини, шундан сўнг улар у еран кетиб қолганини, орадан бироз вақт ўтганидан сўнг Шавкатни туман шифохонасига олиб боришганлигини эшитиб унинг холидан хабар олиш учун борганини, ушбу жанжал бўлган пайтда ҳеч кимни ҳақорат қилмаганини ҳамда тан жароҳати етказмаганини билдириб, кўрсатув берди.

Суд, судланувчи С.Тангировнинг мазкур жиноятни содир этганликдаги айби, унинг айбига қисман иқрорлик билдириб берган кўрсатуvidан ташқари, судда сўралган жабрланувчи Ш.Машариповнинг кўрсатуви, ИИБ бошлиғи номига йўлланган аризалар, билдиргилар, ходиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси, унга илова ҳужжатлар, жиноят ишида мавжуд бўлган тушунтириш хатлари ва сўроқ баённомалари, суд тиббий экспертиза хулосалари, жиноят ишининг бир қисмини тугатиш ва маъмурий иш кўзғатиш ҳақидаги қарор ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар билан тўлиқ ўз тасдиғини топди деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи С.Тангировнинг соғлиқнинг қисқа вақт, яъни олти кундан ортиқ, аммо йигирма бир кундан кўп бўлмаган муддатга ёмонлашувига сабаб бўлган қасдан баданга енгил шикаст етказишда ифодаланган жинойий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 1-қисми билан тўғри малакаланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 3-бандида, Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида тушунтириш берилган.

Суд, судланувчи С.Тангировга жазо тури ва миқдорини белгилашда, юқоридаги Пленум қарори ва қонун талабларига риоя қилиб, судланувчининг айбига қисман иқрорлигини, пушаймонлигини, судланмаганлигини, оиласининг ягона боқувчиси эканлигини, оилавий ва моддий шароитини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар ҳамда унинг содир этган жиноятининг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини ва жабрланувчининг даъвоси



борлигини инобатга олиб, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорида, судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилишилозимлигиҳақидаги раҳбарий тушунтиришларига риоя қилган ҳолда, С.Тангировга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 1-қисми билан модда санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлашни;

ҳукм қонуний кучга киргач, С.Тангировга нисбатан қўлланилган “муносиб ҳулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чорасини бекор қилишни;

жабрланувчига ўзига етказилган мулкий зиён ва маънавий зарарлар бўлса, уларни ундириш юзасидан фуқаролик тартибида судга даъво ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқи мавжудлигини тушунтиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 211,454-457, 462, 463, 465-468, 471-473, 476-моддаларига амал қилиб, суд

### **ҲУКМ ҚИЛАДИ:**

Тангиров Сурож Қўшбоевич (Tangirov Suroj Qo`shboyevich) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

С.Тангировга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 1-қисми билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ҳукм ижросини назорат қилувчи органлар томонидан белгиланган жойларда ўтатилсин ва жазони ўташ муддати маҳкум жазони ўташ учун юборилган корхона, муассаса ва ташкилотда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ижросини назорат қилиш Шовот туман ички ишлар органлари Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

С.Тангировга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 46-моддаси 4-қисми талаблари тушунтирилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргач, С.Тангировга нисбатан қўлланилган “муносиб ҳулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Манфаатдор тарафларга етказилган бошқа мулкий зиён ва маънавий зарарлар бўлса, уларни ундириш юзасидан фуқаролик тартибида судга даъво ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган, судланувчи ва жабрланувчи ҳукм нусхасини олган кунидан бошлаб ўн сутка ичида шу суд



орқали Хоразм вилоят судига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг кассация тартибида шикоят бериш ва прокурор протест келтиришга ҳақли.

**Раислик қилувчи**

**/имзо/**

**Ж.Ахмедов**

**Аслига тўғри:**

**Маъсул судья: Ахмедов Жасурбек Сапорбоевич**



Ҳужжат имзоланган: Ахмедов Жасурбек Сапорбоевич, 20.06.2025

